

Қачон банда Менга бир қарич яқинлашса

08:35 / 27.01.2018 3130

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Раббилари аzza ва жалладан қуйидагиларни ривоят қилдилар:

«Қачон банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Қачон Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Қачон Менга юриб келса, Мен унга тез югуриб бораман (яъни, бандам ҳар турли ибодат ва яхшиликлар билан Менга яқин бўлса, Мен ундан зиёда иноят ва карамларим билан меҳрибонлик қиламан... – тарж.)».

Имом Бухорий ривоятлари.